

Мазкур тартиб рус тилида тасдиқланган.  
Хужжатнинг матни ўзбек тилига таржима  
қилинган ва ахборот тусига эга.  
Ноаниқликлар келиб чиққанида хужжатнинг  
рус тилидаги матнидан фойдаланилади.

**“ЎзРТҲБ” АЖда биржа аъзоларининг  
трейдерларини тест синовидан ўтказиши  
Тартиби**

Биржа аъзоларининг трейдерларини тест синовидан ўтказишнинг мазкур Тартиби “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги” Қонун, ЎзРТҲБда биржа савдоларини утказиш Қоидаларига мувофиқ равища ишлаб чиқилган бўлиб, (кейинги ўринларда – Тартиб) биржа аъзоларининг трейдерларини (кейинги ўринларда – трейдерлар) синовдан ўтказишнинг процедурасини белгилайди.

## **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Тартибнинг мақсадларида унда қуйидаги термин ва атамалар қўлланилади:

**Трейдер** – биржа савдоларида иштирок этадиган ва биржа аъзосининг номидан биржа битимларини тузиш ваколатига эга бўлган, биржа аъзосининг ходими;

**Ваколатли бўлим** – “ЎзРТҲБ” АЖнинг трейдерларни ҳисобини юритадиган таркибий бўлинмаси;

**ДТ** – трейдерларни синовдан ўтказиш бўйича дастурий таъминот.

## **II. Синовларни ўтказиш тартиби ва шартлари**

2. Синовлар Биржанинг Ваколатли бўлими томонидан аввалдан тасдиқланган режага мувофиқ биржанинг ҳудудий филиалларида ўтказилади.

Жойларда синов жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш масъулияти Биржа ҳудудий филиалларининг директорлари ва маклерлари зиммасига юклатилади.

Биржа ҳудудий филиалининг директори синов жараёнини ўтказиш учун масъул ходимларни тайинлайди.

Филиаллардаги синов жараёни Назорат ва ходимларни бошқариш бўлими ва Маклериат томонидан ахборот технологиялари ёрдамида назорат қилинади.

3. Биржа аъзоларининг трейдерлари ўрнатилган тартибда шахсий логин ва пароль олгандан кейин, тест синовларидан ўтишлари шарт.

4. Тест синовлари ўз ичига биржа фаолияти соҳасидаги қонунчиликка, шунингдек ЎзРТҲБда биржа савдоларини утказиш Қоидаларига ва биржа савдоларини ташкил этиш, биржа битимларини тузиш ва бажаришни,

тартибка солувчи бошқа маҳаллий қонунчилик хужжатларига оид саволларни олади.

5. Трейдерлар тест синовларидан ўтиш учун реал вақт (онлайн) тарзда Биржанинг махсус ахборот портали орқали ариза тақдим этадилар.

6. Аризини тақдим этиш учун трейдерлар Биржа аъзоларини аккредитация қилишда берилган ўзларининг шахсий логин ва паролларини, паспорт серияси ва рақамларини, ҳамда алоқа учун телефон рақамини киритадилар.

7. Тақдим этилган маълумотлар ДТда кўриб чиқилиб, трейдерга ариза қабул қилингандан кийин, ҳамда тест синовларини ўтказиш жойи, санаси ва вақти тўғрисида маълумот тақдим этилади.

8. Тест синовларини ўтказишида филиаллар масъул ходимлари:

тест синови жараёни бошланишидан аввал синовдан ўтаётган трейдерларни тест синовлари қоидалари ва мазкур жараённинг тартиби билан таништиришлари;

барча трейдерларга нисбатан беғаразлигига риоя этишлари;

биржа аъзоларининг трейдерлари томонидан мазкур Тартибнинг талаблари бузилишига йўл қўймаслик ва уларни аниқлаш учун тест синовлари жараёнини назорат қилишлари;

мазкур тартиб талабларининг бузилиши ҳақида зудлик билан Назорат ва ходимларни бошқариш бўлимига хабар беришлари шарт.

9. Трейдерлар тест синовларига паспорт ёки бошқа шахсни тасдиқловчи хужжатни тақдим этган ҳолда киритиладилар. Паспортни ёки шахсни тасдиқловчи бошқа хужжатни кўрсатмаган, ёки тест синовларига кеч қолган трейдерлар, умуман келмаган деб ҳисобланади ва кейинги тест синовларига киритилиши лозим бўлган шахслар рўйхатига киритилади.

10. Тест синовлари ДТдан фойдаланган ҳолда компьютер терминалларида ўтказилади.

11. Тест синовлари жараёнида трейдерга 60 та савол берилади. Ҳар бир савол 4 та жавоб вариантига эга. Барча саволларга жавоб бериш учун трейдерга 1 соат вақт ажратилади. Ажратилган вақт якунига етганида, тест синови автоматик равишда тўхтатилади ва натижаси экранда кўрсатилади.

12. Берилган саволлардан 33 та ёки ундан ортиқ саволга тўғри жавоб берган трейдер, тест синовларидан муваффақиятли ўтган деб ҳисобланади.

Тест натижасидан норози бўлган трейдер, натижа устидан ўрнатилган тартибда шикоят қилиши мумкин.

13. Тест синовлари натижалари тест синовларини топшириш рўйхати шаклида тузилиб, ўз ичига синов иштирокчиларининг Ф.И.Ш. олади ва филиал директори томонидан тасдиқланади.

14. Тест синовлари пайтида трейдерларга:

тест синовларини топшираётган бошқа трейдерларга ҳалақит қилиши мумкин бўлган шовқин солиш ёки гаплашиш;

тест синови вақтида ҳар қандай ҳисоблаш техникаси, электрон қайд дафтарлари, электрон таржимонлар, мобил алоқа воситалари ёки бошқа ҳар қандай электрон қурилмалардан фойдаланиш тақиқланади.

15. Тест синовлари пайтида трейдерлар:

тест синовини вақтидан олдин якунлаш;

Биржа ишчиларига берилган саволлар юзасидан тушунтириш сўраб, мурожаат қилиш;

тест синовларининг натижалари бўйича ахборот олиш ҳукуқига эгадирлар.

16. Белгиланган вақт якунига етганда ДТ трейдернинг тест синовларидан ўтиш натижалари тўғрисида маълумотни автоматик равища чиқаради.

17. Мазкур Тартибнинг талабларини бузган трейдерлар синовдан четлаштирилади ва синовдан ўтмаган деб ҳисобланади.

18. Биржа филиалининг масъул ходимларига:

синов вақтида трейдерларга ҳалақит қилиш ва уларни янгилиштириш;

мазкур Тартибда кўзда тутилмаган ҳужжатлар ва/ёки бошқа материалларни талаб қилиш;

тест саволлари бўйича трейдерларга ёрдам бериш ёки уларга аввалдан тўғри жавобларни бериш тақиқланади.

19. Тест синовидан ўта олмаган трейдерлар қайта тест синовидан ўтишга ҳақли.

20. Трейдерлар қайта синовга навбатдаги тест синови жадвалига мувофиқ киритилади.

21. Қайта тест синовларининг миқдори чекланмаган.

22. Биржанинг Интизом комиссиясининг қарори билан биржа савдоларидан четлаштирилган трейдерлар мазкур Тартибда кўрсатилган шартларда синовдан ўтиши шарт. Бундай трейдерлар четлаштириш муддати якунига этишидан 10 кун аввал синовдан ўтиш ҳукуқига эгадирлар.

### **III. Якуний қоидалар**

23. Мазкур Тартиб, унинг Биржанинг расмий веб-саҳифасида эълон қилинган кунидан бошлаб, кучга киради.